18:50 «Клип»
19:00 «Теле-хамкор», фойдалы газета
19:20 «Ошқон», Мусицил дастури
20:00 «30 кадр» развлекательная передача
20:30 «Мусицил табассум»
21:00 «Янинчина оқшомидар», Мусицил
дам оши дастури
21:45 «Мусицил табассум»
22:10 Худ. фильм «Крокодил Данчи в
Лок Амбексе»

TV-Марказ

Душанба

- 12:00 Марказ NEWS
12:20 Мировые хиты
13:00 Марказ NEWS
13:20 Узбек новолари
14:00 «Юлдузли пайшанба»
(постор)
14:30 Узбек новолари
15:00 Теленинья
15:45 Узбек новолари
16:30 Мировые хиты
17:00 «Судьбы»
17:39 Узбек новолари
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Узбек новолари
19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Сериал
20:20 Узбек новолари
21:00 «Миссия неповторима»
(постор)
21:30 Мировые хиты
22:00 Комедия по понедельникам
«Иван Васильевич меняет профессию»
23:40 Миксер

Сешанба

- 12:00 Марказ NEWS (фб)
12:20 Узбек новолари
13:00 Марказ NEWS (рус)
13:20 Мировые хиты
14:00 «Великолепная семерка»
(постор)
14:30 Узбек новолари
15:00 Теленинья
15:45 Узбек новолари
16:30 ТОП-10 (постор)

Чоршанба

- 17:00 Узбек новолари
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Мировые хиты
19:00 Марказ NEWS (рус)
19:20 Сериал
20:20 Узбек новолари
21:00 Спецпротарж
21:20 Мировые хиты
22:00 Кино «Симона»
00:15 Миксер
- 12:00 Марказ NEWS (узб.)
12:20 Мировые хиты
13:00 Марказ NEWS (рус.)
13:20 Узбек новолари
14:00 Мировые хиты
14:30 Узбек новолари
15:00 Теленинья
15:45 Концерт «Битирувчи»
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Телемарафон
18:30 «Великолепная семерка»
19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Кино «Шум бола»
21:00 «Юлдузли пайшанба»
21:30 Телемарафон
22:00 Кино «Дринные девочки»
23:45 Миксер
- 12:00 Марказ NEWS (узб.)
12:20 Мировые хиты
13:00 Марказ NEWS (рус.)
13:20 Узбек новолари
14:00 Мировые хиты
14:30 Узбек новолари
15:00 Теленинья
15:45 Узбек новолари
16:30 Узбек новолари
17:00 «Судьбы» (постор)
17:30 Узбек новолари
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Узбек новолари
19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Сериал
20:20 Мировые хиты
21:00 Узбек новолари
22:00 Лучшие фильмы всех времен «Тот самый Минхазеузен»
00:30 Миксер

Пайшанба

- 12:00 Марказ NEWS (узб.)
12:20 Телемарафон (любимые песни выпускников)

Шанба

- 13:00 Марказ NEWS (рус.)
13:20 Телемарафон
14:00 Спецпрограмма «Поэма о школе»
14:20 Телемарафон
15:00 Теленинья
15:55 Концерт «Битирувчи»
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Телемарафон
18:30 «Великолепная семерка»
19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Кино «Шум бола»
21:00 «Юлдузли пайшанба»
21:30 Телемарафон
22:00 Кино «Дринные девочки»
23:45 Миксер
- 12:00 Марказ NEWS (узб.)
12:20 Мировые хиты
13:00 Марказ NEWS (рус.)
13:20 Узбек новолари
14:00 Мировые хиты
14:30 Узбек новолари
15:00 Теленинья
15:45 Узбек новолари
16:30 Узбек новолари
17:00 «Судьбы» (постор)
17:30 Узбек новолари
18:00 Марказ NEWS (узб.)
18:20 Узбек новолари
19:00 Марказ NEWS (рус.)
19:20 Сериал
20:20 Мировые хиты
21:00 Узбек новолари
22:00 Наше кино «Ромео и Джульетта или прожигая любовь» (36)
23:50 Миксер

Жума

- 12:00 Марказ NEWS (узб.)
12:30 Узбек новолари
13:00 TOTAL NEWS (рус.)
13:30 «ТОП-10» (постор)
14:00 Мировые хиты
15:00 Теленинья
16:20 Узбек новолари
16:30 «Они дастурхон» (постор)
17:00 Узбек новолари
17:30 «Юлдузли пайшанба» (постор)
18:00 TOTAL NEWS (узб.)
18:30 Узбек новолари
19:00 TOTAL NEWS (рус.)
19:30 Индийское кино
21:00 Узбек новолари
22:00 Кино «Бандитки»
23:50 Миксер
00:30 «Миссия неповторима»

Якшанба

- 12:00 TOTAL NEWS (узб.)
12:30 Узбек новолари
13:00 TOTAL NEWS (рус.)
13:30 «Они дастурхон» (постор)
14:00 Мировые хиты
15:00 Теленинья
16:20 Узбек новолари
16:30 Узбек новолари
17:00 TOTAL NEWS (узб.)
17:30 Узбек новолари
18:00 TOTAL NEWS (рус.)
18:30 Спецпрограмма (постор)
18:50 Индийское кино
20:30 «ТОП-10»
21:00 Мировые хиты
22:00 Кино (SMS-голосование)
24:00 Узбек новолари

JAHON POCHTASI

Буюк Британияда ҳозирлик күрсатилиштари бошланганига 370 йилдан ошиди. Шу йиллар мобайнида почта идораси турли номларда аталди, унинг тузилмаси, иш усуллари вақти-вақти билан ўзгариб турди. Бу соҳадаги ислоҳот ва янгиланишлар ҳамон давом этаётир — хизмат сифати ҳамда молиявий кўрсаткичларни яхшилаш асносида британиялик алоқачилар почта бозоридаги бўлажак ўзгаришларга ҳозирлик кўришмоқда.

“Royal Mail Group”**ЯНГИЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА****БЮОК БРИТАНИЯ
ПОЧТА ҲАМЖАМИЯТИ****“Royal Mail Group” plc**

“Royal Mail Group” plc компаниялар гурухи — акциядорлик жамияти бўлиб, унинг акциялари тўлиқ давлат ихтиёрида. Акциядорлик жамияти таркибидан Буюк Британия ва хориж бўйлаб хат-хабарлар, жўнатмаларни етказиб бериси билан шугулланувчи “Royal Mail”, “Post Office” ва “Parcelforce Worldwide” сингари донгорд компаниялар ўрин олган. Уларнинг умумий йиллик айланма маблаглари 8 миллиард фунт стерлингни ташкил этади ва 200 мингдан зинёд ходим иш билан банд. Айнан дамда компаниядаги мижозлар эхтиёжини тўларок қондириш ҳамда ракордат мухитидат мевафакият козониш учун улкан ислоҳотлар ўтказилипти. Бу — “Royal Mail Group” тарихидаги энг йиррик ислоҳот десак, асло муболага бўлмайди. Чунки компания юқсак довонларни кўзлаган, жаҳондаги энг илгор почта оператори даражасига чиқишни ягона максад килиб белgilаган.

“Royal Mail”

Мазкур компания хат ва жўнатмаларни юғиши ҳамда элтиб бериш, тўғридан-тўғри почта тарқатиш билан шугулланади, жуда кўп турдаги маркалар ва филателия маҳсулотлари ишлаб чиради. Электрон почта ва бошқа электрон алоқа воситаларининг кенг оммалашганигига қарамадан, “Royal Mail” орқали кунига 82 миллиондан зинёд жўнатмалар юборилади ва бу кўрсаткичлар ҳамон ўйшида давом этти. Буюк Британиядаги 115000 почта кутисидан олинган хатлар 27 миллион минзандан — уларнинг канчалик узок-яқинда жойлашганигидан катъи назар, бир хил тариф (кимят)да хар куни етказиб берилади. 2002-2003 йилларда биринчи тоифали хатларни элтиб беришда сўнгги 7 йилдаги энг юкори кўрсаткичга ёришиши: хатларнинг 91,8 фоизи эртаси куниёк эгалари кўлига бориб туши.

“Post Office” Ltd

“Post Office” Ltd компанияси 15300 почта бўйлумини қамраб олган миллият тармоқни бошқаради. Бу нафакат Буюк Британиядаги энг йиррик почта тармоғи ҳамдир. Эътиборли томони шуки, поча бўйлумларининг фуқат 500таси (3 физи) компанияга қарашидир. Колгандлари эса уларни бошқарувчи, яъни маҳаллий постмейстерлар ҳамда франшиза шартномаси (маҳсулотни сотиш ёки хизматларни кўрсатиш, савдо маркаси ёки маҳсулот белгиларига биргаликда эгалик килиши) хукукни берувчи шартномага) асосида фаолият юритивчиларга тегишидир. Шунга қарамадан, амалиётларнинг 20 фоизи айнан компания ихтиёридаги почта бўйлумлари томонидан амалга оширилмоқда. Умуман олганда, 170дан зинёд хизматлар йўлга кўйилган, жумладан, почта тўловлари ҳамда паспорт олишига аризалар кўраб килинади; молиявий хизматлар кўрсатилиди, аҳолига лотерея чипларни ва телефон карталари сотилиди. Бир йилда 7,2 миллиард ташкил этивни амалиётларнинг аксариети банк, почта ва сайдёнликка оид, хизматларидир. Ҳафтасига 28 миллиондан 42 миллионгача киши почта бўйлумларига ташриф буоради, амалиётлар сони 51 миллиондан ошиди.

“Parcelforce Worldwide”

“Parcelforce Worldwide” компанияси жўнатмаларни тез муддатда этип беришга ихтисослашган. Компаниянинг хизмат кўрсатиш инсони тарифи 99,6 фоиз аҳолисини ҳамда 239 мамлакат ва худудларни қамраб олган. Асосий эътибор — жўнатмаларни

“муайян вақтда”, “24 соат ичидан”, “48 соатда” ҳамда халқаро миқёсда этизиб беришга қаратилиди.

“Postwatch”

“Postwatch” ташкилоти (дастлаб номи — Почта хизматлари бўйича Мижозлар кенгаси) 2000 йилги “Почта хизматлари тўғрисида”ги қонун асосида мижозлар манфаатини химоя килиши учун ташкил этилган. Ташкилот почта стандартларининг бажарилишини кузатиб боради ва мижозларнинг турли масалалар, асосан шикоятлар билан мурожаат

**“Post Office” Ltd**

килиш маркази вазифасини баҳаради. “Postwatch” хукумат, назорат органи ҳамда “Royal Mail Group”га истеъмолчиларнинг таълифлари ва эхтиёжлари ҳақида мунтазам хабар бериб боради.

Ташкилотнинг Шотландия, Уэлс, Шимолий Ирландияда уча, Англияда оптита кўмитаси мавжуд. Бу эса мамлакат худудларда кўрсатилаётган почта хизмати сифати ва мижозларнинг талаблари ҳақида батасфиси маъмулотлар олишида кўл келади. Бундан ташкири, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиши максадида мунтазам равишда мижозлар ҳамда “Royal Mail”га ракордатдош компаниялар билан учрашувлар ташкил этилиб туролади.

“Postcomm”

“Postcomm” — почта хизматлари бўйича комиссия бўлиб, 2000 йилги “Почта хизматлари тўғрисида”ги қонун асосида ташкил этилган. Дастилб маслаҳат органи сифатида асос солинган ушбу ташкилот кейинчалик почта бозорининг мустакил бошқарувчисига айланди. Унинг асосий вазифаси ягона фойдаланиладиган тариф бўйича кўрсатиладиган универсал почта хизматларини кўллаб-куватлашдан иборат. Комиссия кўрсатиладиган хизматларнинг муайян стандартини ўрнатган бўлиб, уларга риоя килинишини катъий назорат килиб туради. Шунингдек, “Royal Mail” компаниясининг тарифлари ва кўрсатилаётган хизматлари сифати ҳам “Postcomm” томонидан назорат килиб борилади. Почта хизматлари кўрсатиш учун лицензиялар ҳам айнан шу Комиссия томонидан берилади.

(Давоми бор.)

Собит АҲАДОВ тайёрлари, asxabar@mail.uz

ALOQA OLAMIDA**ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ НИКОХ**

Хиндишонлик келин-куёв уяли телефон ёрдамида никоҳдан ўтишиди.


Гап шундаки, мамлакат гарбидаги Вадодара шахрида диний низолар оқибатида куролли тўнаншувлар келиб чиққанлиги сабабли, комендантлик соати жорий этилганди. Шу боис 21 ёшли келин никоҳ маросимига етиб кела олмади. Маросимнинг бузилмаслигини истаган келин ва кўёв коммуникациянинг энг куляй воситаси — телефондан фойдаланишга карор килишди. Ташриф буорган қариндош-урӯвлар ва дўстлар иккى ёшнинг оила куришга рози эканликларни эшишишлари учун аппаратларига овоззукчайтиргичлар уланди. Маросим тахминан 20 дақика давом этди.

**“ЗИЁЛИ” ҚАРОҚЧИ
УЧ ЙИЛГА ҚАМАЛДИ**

Яқинда Америка суди дастурий маҳсулотларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланган Украина фуқароси устидан ўз хукмини чиқарди.

Тайланд ҳукумати АҚШга топширган 28 ёшли Maxim Высоцанский 35 ой панжара ортида ўтирадиган бўлди.

Высоцанский 2003 йилнинг 19 май куни Бангкокда хўбига олинганди. У Adobe Systems, Microsoft, Autodesk дастур таъминотларини ва бошқа фирмаларнинг маҳсулотларини Интернет орқали ноқонуний соттаглидик айланади. Қароқчи ушбу маҳфий савдодан жами 3 миллион АҚШ доллари миқдорида мўмай даромад олган. Баъзи ҳисобитобларга кўра, унинг “савъ-харакатлари” оқибатида Америка иктисадиёти 1 миллиард доллар зарар кўрдиган.

**ЭНГ ЮПҚА ТЕЛЕФОН АППАРАТИ**

Жанубий Кореяning “Samsung” компанияси янги уяли телефон аппарати (SGH-X820)ни савдога чиқарди.

Унинг ўзиға хос жиҳати — ўта юқалигидир. Оғирлиги 66 граммни ташкил киувчи бу аппаратнинг калинлиги аттиги 6,9 миллиметрдир. Унинг 1,9 дюйми дисплей 262000 хил рангда тасвирларни акс этишига қодир.

Янги аппаратта 2 мегапиксели камера ўрнатилган бўлиб, фотоловча ва видеороликлар олиш мумкин. Шунингдек, MP3-плеер, Bluetooth симисиз алоқа назоратчиси, USB порт сингари тасвирларни акс этишига қодир.



Компьютер саводхонлиги




(Давоми. Аввали ўтган сонларда.)

5-ДАРС.

XIV. «Рабочий стол»нинг фонини ўзгартириш

«Рабочий стол»нинг фонини ўзгартириш учун:
1. «Рабочий стол»нинг бўш жойига курсорни кўйиб, «сичқонча»нинг ўнг тумгачасини босамиз. Кўйидаги кичик ойна чиқади:



2. Сўнгра «Свойства» бўйргини берганимизда, кўйидаги ойна очилади:



3. «Рабочий стол» бўлимига ўтамиш ва ойна кўйидаги кўринишга эга бўлади:




4. «Фоновый рисунок»дан расм танлаб, «ОК» босилади.


Натижада танланган расм асосида «Рабочий стол»нинг фони ўзгарди.

XV. Компьютер экранидаги заставкини ќўйиш ёки ўзгартириш

1. Курсорни «Рабочий стол» нинг бўш жойига кўйиб, «сичқонча»нинг ўнг тумгачасини босганимизда, кўйидаги кичик ойна чиқади:



2. «Свойства» бўйргини берамиз ва «Свойства» ойнаси очилади:



3. «Заставка» бўлимига ўтамиш ва ойна кўйидаги кўринишга эга бўлади:



4. Заставка ёзуви остидаги бўлимда танланади. Дастреб 1 марта «сичқонча»нинг чап тумгаси, сўнгра «Параметры» тумгачаси босилади ва кўйидаги ойна очилади:



5. «Текст»га ўтиб исм ёки сўз ёзамиз.




6. «ОК»ни босамиз. Натижада компьютерни ишлатмаган пайтимизда экранда ёзган сўзимиз чиқиб туради.

XVI. Компьютерда овоз ёзиш

Овоз ёзиш ойнасини очиш учун:

Пуск → Программы → Стандартные → Развлечения → Звукозапись амаллари бажарилади.
Кўйидаги ойна очилади:



- овоз ёзиш чизигининг бошига ўтиш,
- овоз ёзиш чизигининг охирига ўтиш,
- Play — эшишиш,
- Stop — тўхтишиш,
- Record - Ёзиш.

Азизбек НЕММАТУЛЛАЕВ,
«Эффект-молия» ўкув маркази
баш мутахассиси

Асосий мақсадни белгиладингизми?

Хар бир йигит ва қиз ўзига шу саволни бериб кўради. Хаётини сермазмун ва гўзал саҳифаларга тўлдириши истайди. Мен хам бу ҳақда кўп ўйлайман. Бўлаҳак иктисади сифатида тенгдошларим билан бу мавзуда жуда кўп баҳс-мунозаралар килиман. Шунда ўзим турли адабий-ётлардан олган далил ва мисолларни кўллайман. Менимма, буюк файласуфларга кулок тутуб иш юритсан — мақсад-мудбаларимизга тезрок эришамиз.

Мухими, ҳаётдаги асосий мақсади-миз белгилаб, унга оғизмай интилак сас. Шунда мўъжиза рўй беради. Мақсадга этишишинг Йўллари ўз-ўзидан кўз ўнгимизда намоён бўлади-кўяди. Шубҳа-гўмонлар иўқолиб, ўзимизда ишонч-карор топганини хис килимиз.

Буюк файласуф Наполеон Хилл бу ҳақда «Мен бир парицион ва омадсиз кимса ўзимнинг ҳаётини мақсадимни аниқ, белгилаб олган ва муваффакият қозонган инсоннинг йўлини босиб ўтганман», деб ёзган эди. Хўш, Наполеон Хилл ўзи

ким эди? 1908 йили дунёдаги энг бадавлат инсонлардан бирин ёш йигитни хузурига чақириб, ўз бойлайларидан бир кисмини таклиф этди. Нақд, пул берди, деб ўйляпсизми, йўқ, ёш йигитта қандай усуслар ёрдамида фаронвонликка эришиш зарурлигини ўргатмо-чилигини айтди. Мавзум бир формула-рия килгандар кирши муввафакият қозонилингизни уқтириди.

Бу бадавлат инсон ўз вактида афсо-навий шуҳрат қозонган Эндрю Карнеги эди. 1901 йили у пуленинг ҳаммасини бир компанияга жойлаб, акцияларини соттган ва натижада «Ю-Эс Стил» компаниясига асос солиниб, Карнеги ундан 390 млн. доллар даромад олган эди. Ёш йигит эса ёзувчи ва коллеж ўкувчиси Наполеон Хилл эди. Карнеги ўз фалсафасини — дунёдаги энг омади кулган кишининг фалсафаси асосларини йигитга тушуниртиди ва ўнга юзлаб бошча тадбиркор инсонлар билан сұхбатлашиб, таҳтид ва хуносалар ясаш вазифасини

топшириди. Бу ишга йигирма йиллар кепак эди. Хилл рози бўлди. Чиндан хам у Томас Эдисон, Генри Форд, Лютер Бёрбанк каби зафар кўнгли одамларнинг тарихини таҳтил этди. Шулар асосида «муваффакиятлар формуласи»ни ишлаб чиқиша мусъасар бўлади.

Бир канча китоблар насрот этди. Айнанка «Ўйлан ва бой-бадавлат бўлинг» китоби ўнга шон-шукрат ва бойлик келтириди. Чиндан хам Наполеон Хилл муваффакият фалсафасини изоҳлаб берган, улуг максадларга эришиш кўлланмасини яратган биринчи инсон эди.

Унинг фикрича, сиз ўзингилини ким деб биспансиз, худди ўшандай одамсиз. Тадбиркорларни у юйлар, рекха ва максадларни жамшадтириша диккат каратишга ўргатади. Нимага эришмоқлини аник билишинг ўзи — биринчи қадамдир. Ва-холанни, юз кишидан атиги 2 нафари ана шу биринни қадамни кўялар, колгандари эса хом хаёллар оғушида яшар экан.

Инсон нимани яратса, нимага мушар-

раф бўлса, буларнинг барни истак-хошидан бошланади. Ким юксак чўқусларни кўзласа — эришади, ким мухожжикка рози бўлса — бутун умри етишмовчиликка ўтади. Бинонбарин, ҳар кандай инсоннинг вуждиди мувфафиятни ургулари мудраб ётади. Гап факт уша ургуларни ундира олиш ва гуллатиб-яшнатишадир.

Шуни ҳам инутмайлики, ахойб ютуклири билан машҳур бўлган одамлар доимо бошжалар билан кенгашиб иш тутгандар. Наполеон Хилл асарлари хамон ўз кимматини йўкотмаган. У ўз куч-саҳлохиятнинг ва чекисиз имкониятларга ишоншига, янги иш бошлар эканисиз, шубҳа ва кўркинчлар хужумидан омон чиқиша ўргатади. Қисқаси, «Бөйликнинг капитали» ва «Бемалол бой бўлишингиз мумкин» китоблари йўлчи юдзуз каби йўлларини эртишиб турса, бизларни фикат имадибах ижобий туйгулар бошқарса, албатта ўз олимизга кўйган мақсадларимизга эришамиз. Зотан, Президентимиз айттаниларидек, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам.

Мақсадбек ЙУЛДОШЕВ,
ТАТУ иктисадиёт факултети
3-босқич талабаси

NAZM GULSHANI

Севги қиссаси

Бесабр, ўткинчи мұхаббат учун
Бебошлиқ тиллодан ўлпон тұлады.
Ніхолдек баҳори ярашган севги
Әнди ноилож күзға мезбон бўлади.

Әнди киприкларда қиров эрийди,
Хар томчисин сезиб, санаб турамиз.
Нурдек хиёнатсиз севги қиссанинг
Бир сатрин ўқишини кўмсаф ўтамиз.

Ўртамиизда ўтди кўп баҳти дамлар,
Лекин қайтишини истамайман ҳам.
Шунда соғлигича асраб қоламиз,
Шунда эслаганда йиғлатмас алам.

Айрілсак ёлғондан йирок бўламиз,
Кўзлар кўзга бокиб, алдаши кўяр.
Севги ўйинидан чиқиб кетайлик,
Кўйса, қиссанинг бир вараги куяр.

Колдир ўз ҳолига шўрлик қиссани,
Биздан илгари ҳам тугамай қолган.
Учрашув боғида ўрїндикда жим,
Мўлтираб кутишини ўрганиб олган.

Матлуба НАСРИДДИНОВА

САРХУШ МАЙСАЛАРНИ СЕҲРЛАЙДИ НАЙ...

Қоронғу айвонда мильтирайди шам,
Еритиб хотира ҳужрасин яна.
Намозшом гуллари ўстан кенг ҳовли,
Онам алла айтар бешик ёнида.

Термулиб қарайман шам ёнишига,
Хисларим тўклимай, юрагим тошиб!..
Узоклашиб борар турналар каби,
Болалик карвони кирлардан ошиб.

Ёш каби кўйилиб эримоқда шам,
Кўкдаги юлдузлар тумандай хира.
Тонгда мудраётган намозшомгуллар
Тун бўйи сирлашиб, ухлатмас сира...



Боғдаги олмалар қийғос гуллади,
Мўъжиза яратар қайтадан баҳор!
Юксак чўққиларда кунга ястаниб,
Жимирилаб эрийди мармар каби қор.

Турналар тизилиб қайтар қирларга,
Сархуш майсаларни сеҳрлайди най.
Ёкут пімелада ийманибигина,
Кизғандок күёшга узатади май.

Шарқираб оқувчи тошкини сойман,
Инжулар кўксини тўлдириган комман,
Бўйлик бошогини кутара олмай,
Тошлар орасида кўклилаган донман.

Нафсинг маломат қил — қўй тарозига,
Яхшилар қаноат қилар озиға.
Дунёга хирс қўйиб тўймаган киши,
Үн бармогин тикиб йирттар оғзига.

Бойлиги ҳаромдан ялло қилади,
Миш-миш чувалатиб, гавғо қилади.
Осмонни кўтариб турғандай гўё,
Иймонсиз тўғрига даъво қилади.

Тиловат қилади қушлар бериллиб,
Майсалар тўқади юм-юм ёшини.
Мажнунтол — муслима-иффатли аёл —
Саждадан кўтартмас эгик бошини.

Севгимизга содик қол шундай,
Ўзгалар не деса — ишонма.
Умримизнинг ҳар бир лаҳзаси,
Бахтимиздан бўлсин нишона.

Хаётим риштаси маҳкам бөгланган,
Мұхаббат аталган — меҳригийёға.
Ўлим талвасаси сира кўркитмас,
Бирга бўлмок учун келдим дунёга.

Гарчи учолмасман қушдай самода,
Гарчи мўъжизалар этмасман содир.
Умидворман чиндан марҳаматингта,
Муруват қилмасанг — кулфаттир оғир.

Нишонни мўлжалга олганда сайдёт,
Дунё лаззатларин айлагай барбод.
Кўксинга қадалиб кирган пайкони,
Жонсиз вужудингта бағишилар ҳаёт.

Тўракобиб ЖУМАНАЗАР

MULOHAZA, MUNOZARA

Бугун айрим бозорларимизни
кузатсангиз, ҳаридорлар орасида
сотувчиларга нисбатан ишонч йўқолиб
бораётганинг гувоҳи бўласиз.
Авваллари ҳеч қайси ҳаридор кўлида
тарози олиб юрмас эди. Бугун қайси
бозорга кирманг, ҳаридор кўлида тарози
билан бозор оралайди. “Алдайдиганлар”
кўп-да! Ахир, беш кило деб сотиб олган
олманиз тўрт кило тош босса, жаҳлингиз
чиқмайдими?!

Тошу тарозили бу дунё...

Якинда Юнусобод бозорида мева сотаётган бир амакини кузатиб турдим. Олма ва нокни 1500 сўмдан, мандарин, лимонни 900, ёнғок, майзин 1500 сўмдан, бананни эса 200 сўмдан пулляпти. Бир вакт икки аёл келиб, олма ва нокни кўтрасига сотиб олмоқчи бўлиши. Учовлон роса тортишиди:

— Кўтрасига 1400 сўмдан беринг, биримиз олма, биримиз нокни яшиги билан оламиш.
— 1500 сўмдан ҳам бермайман, — ўжарлик килди амаки.
Хайрон бўлдим. Ахир, ҳозиргина шу баҳода сотаётган эди-ку.
— Эмон нарх айттаётганимиз йўқ, амаки, — муроса қўлмоқчи бўлиши аёллар.

— Қизим, сен устига яна мингдан қўйиб ошиғига пуллайсан. Озигина инсоғ қил-да, — деди амаки.
— Ахир, шу пулга сиз ҳам сотапсиз-ку!
— Хўп, майли, 1500дан бераман, факат ўзимнинг тарозимда тортаман.

— Нималар деяпсиз, амаки? Сизнинг тарозингиз “тўғриланган” бўлса, мен яна “тўғриласам”, унда мен нимани сотаман?
Хулас, улар узоқ тортишиди. Амаки айтганидан кайтмади.

Сал нарида олма сотаётган йигитни ҳам кузатдим. Бир отахон келиб, олма сотиб олмоқчи бўлди.
— Кечагина нафақа олгандим. Атаялаб бозорга тушдим. Иккича кило олма олиб борай набираларимга. Тўрт кило олмандан тортиб бер, ўғлим.

Йигит бир зумда унинг айтганини қилди. Чол бечора хира тортган кўзларини халтадаги олмага қадаб, хайрон бўлди:
— Тарозида адашмадингми, ўғлим? Ҳар доим мана шу халтада либ кетардим. Ҳалта тўларди. Ҳозир эса ярим бўлган, холос, ўғлим.

— Амаки, ўзингиз ҳам кўрдингиз-ку! — деди сотувчи йигит кўпюллик билан.

— Хайронман: Дўкондан олсан, кўп бўларди. Сал кимматлиги учун арzon бел, бозорга тушгандим...

— Кўрмайпизми, амаки, ва катта-катта олма. Ёқмаса, бориб ўша дўқонингиздан олаверинг! — ўшқирди сотувчи.

Отахон оқсоқлана-оқсоқлана нари кетди. Аммо орадан бироз муддат ўтиб, яна қайтиб келди:

— Тарозинг нотурғи экан. Уч кило чиқди. Уялмайсанми?
— Э, роса бошни қотирдингиз-да, амаки! Ҳоҳласангиз олинг, бўлмас катта кўя! — жавоб берди йигит кўрслик билан.

Отахон олмани қайтариб берди:

— Инсоғни ўзи берсин сендайларга...
Отахон сотувчига инсоғ тилай-тилай нари кетди.

Аммо газабини қуйидагина сочадиганлар ҳам топлади:

— Ол олманди? Унга кўшиб инсоғининг ҳам сотиб юборибсан! Бу дунёда шу йўл билан топган ҳар бир сўминг нариги дунёда сени ўти бўлиб ёндиради ҳали...

Хулас, бозорни бир куатинг — истеъмолчилар ва сотувчилар уртасидаги мана шундай баҳсларининг гувоҳига айланасиз-коласи! Бозорда халол сотувчилар бармоқ билан саноқли колганингизни билсангиз, бозорга киргингиз ҳам келмайди. Тўғри, сотувчилар учун йўлкира, патта, еб-ичиш, аравакла деган ташвишлар ҳам бор. Шуларни хисобга олиб, устига кўпроқ қўйиб сотишиша — моли ўтмай қолади. Аммо бу — тарозидан уриб, гуноҳга бот, деганин эмас-да! Шундай йўл билан топган пулда барака бўладими? Тарозингнинг гуноҳи оғир. Бизга фақатгина бу дунёда берилган эмас...

Амаким — моҳир уста, дурдирорлик ҳам, темирчилик ҳам кўлидан келади. Ҳар куни олдидан одам аримайди — кимдир эшик, дераза, яна кимдир техникасига кераки эхтимёт қисмларни ясаттириди. Якинда бир бозорчи аёл тарози тошларини олиб келибди. “Дастгоҳларингизда шу тошларни ўйиб, кейин ўйилган жойини мумлаб берсангиз”, — деб илтимос қилиби.

Амакимнинг жаҳи чиқиб, аёлни қувиб солиби:

— Ўзинг дўйнатнингноттанинг етмаганинек, мени ҳам гуноҳга шерик қўлмоқчисанми? Йўқол, шу сўзларни айтган тилингиза кизиган косовини босмасимдан...

Каранги, шу аёл кейинги устахонада ишлайдиган устани айтганларига кўндирибди!

— Сен сотувчига ўйиб берилган тошлар билан тортилган маҳсулотларни маҳаллашларинг, кариндошларинг, колаверса, болаларинг олади-ку! Эртага ўшаларнинг карғиши, тавқи лаъни сенга ҳам тегмайдими?! — устага қаттиқ танбеҳ берди амаким.

Амакимнинг сўзлари тасир қилибдими, ҳар тугул бу каби номакбу ишини айтига қўлмайдиган бўлиди. Аммо бу гапга бошқа сотувчи ва усталар амал қиласмикин?

Сиз нима дейсиз, азиз ҳаридорлар?

Элдорбек АКРАМОВ

HOMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

Тиббий маданият – саломатлик гарови

Тиббиёт фанлари доктори, терапевт Мурод МУСАЕВ билан сұхбат

— Баҳор көлиши билан күтчилиқда ички касалліктер күзгаб қолады? Айтинг-чи, бу хасталиктарнан келиб чиқыши омиллари нимада?

— Тұғри, баҳор ва күз ойла-рида гастрит, ошқозон, үн иккі бармоқ ичак ярасы, холецистит, панкреатит ва колит касалліктер күп учрай бошлады. Бұз касалліктер бир-бірі билан бөлгілік болып, улар үткір хамда сурункалы гастритларга ёки ошқозон ярасы касалліктерге олиб келиши мүмкін.

Ушбу касалліктерге овқат ис-теңмелі килиш тартыбининг бу-зилиши, овқатның қайнақ ёки мүздек қолда истеңмел килиш, яхши чайнаамасдан овқатланыш, спирттік ичимдиктер үшін касалліктер овқаттардан захарланиши, ёғлы овқаттарнан күп ейиш, бун-дан ташқари, салмонелләз, ди-

зентерия ва дисбактериозлар билан оғириш сабаб бўлиши мүмкін.

— Касалліктер қандай бўлади?

— Асосан, беморларни қорин-даги оғриклар кўйнайди, бу оғриклар корин очкаганида ёки оғрикларнан сўнг 1-3 соатдан кейин пайдо бўлиши мүмкін. Яна, жи-ғидон кайнаши, кўнгил айниши, овкат ҳазм бўймай колиши, корин дамланиши, ич бузилиши холларни кузатлади.

— Үзингиз кўллаётган клоногидротерапия усули ҳақида гапириб берсангиз?

— Клоногидротерапия усули "Холливиду тозалаш" ҳам дей-лади. Холливид актёrlари бу усул билан ўтган асрнинг 30-ийлардан бері озиш, юз тे-рисини тозалаш максадида фойдаланиб келгандилари учун

шундай аталган. Бу усул орқали ичакларнинг 2,25 метргача кисми минерал сув билан тозаланади.

Мазкур усулнинг устунлик то-мона шундаки, унда ҳеч қандай дориларсиз ичаклар тозалана-ди. Натижада қон айланниши, жигар ўт копи функциялари ях-шиланади, сафро ажралиши меъёрлашади. Клоногидротера-пия тизими асосида даволанганди йўғон ичак тонуси ва муску-латураси мустаҳкамланади, ичдаги шилимшиклар, бакте-рия ва йиринглар, овқат қолдик-лари, зарапти токсинлар, шлак-лар ва яллигларни жараённи омиллари чиқарб қашланади. Бу мулажа организм интокси-кациясини камайтиради, модда-лар алмашинуву жараённи ях-шилайди ва иммунитетни мус-тахкамлайди.

дан 2-6 килограммгача зарапти қолдиклар чиқарб қашланади, натижада ичаклардаги хасталик-лар туфайли пайдо бўлган ўзаги ўзгаришлар – ҳар хил дод-лар, шишлар, ажинлар йўқолиб, юз тиникашади, вазн ҳам ен-гиллашади.



— Ошқозон ичак тракти ка-салліклярнинг олдини олишда бу мулажа мухим рол ўйнайдими?

— Албатта. Бундан ташқари, жигар, ўт копи, йўғон ичаклар касалліктернинг ҳам олди олина-ди. Ошқозон-ичак хасталикleri-га чалинмаслик учун ҳар бир одам аввалинбор тўғри овқатланышга эътибор қарашти даркор. Овқат ҳазм килиш жараённи, юз ов-кат егандан сўнг 3-4 соатдан кейнингиз ўйуга ётишини билдиши, шунингдек, спиртли ичимлек-лардан ўзини тишиши керак. Кимни тўғри овқатланыб, тибий маданиятта риоя килиб, озода юрса, саломатлиги доим яхши булади.



— Мулажа қанча вақт да-вом этади?

— Бундай усулда даволаш ҳар олти ойда 4-5 сеансдан ўткази-лади. Даволаш клизмаларида шифобахш ўтлар дамламалари, ўсимлик мойи, корик, бифидум бактериялар кўлланилади. Шун-дай қилиб, одамдаги йўғон ичак-



"РАВНАҚМЕД" ПОЛИКЛИНИКАСИ

"Равнақмед" поликлиникаси ҳозирга қадар кўплаб беморларнинг дардига шифо бағишилаган, ўнлаб фарзандталаб оиласларга зурёд қувончини улашган.

Тиббиёт фанлари доктори Мурод МУСАЕВ раҳбарлигидаги бу даволаш масканда олий тоифадаги таҳрибали шифокорлар, тиббиёт фанлари номзодлари фаолият кўрсатмоқда. Замонавий тибий асбоб-ускуналар билан жихозланган клиникада терапевт, кардиолог, невропатолог, гинеколог, уролог, дерматолог, лор-врач, косметолог каби мутахассислар беморларга замонавий аппаратлар ёрдамида ташхис кўйиб, самарали даволайдилар.

Масалан, тиббиёт фанлари номзоди Наталя Николаевна Чубенко кардиолог, ревматолог, қон босими, юрак-ишемик каби касалліктернинг етук мутахассисидир.

Психолог врач, тиббиёт фанлари номзоди Гулмира Туякова ва Гулмира Исломовалар аёлларда учрайдиган ҳар хил хасталиктарни даволаб, балогат ўшидаги қизларга тўғри тибий тарбия борасида ҳам ўз маслаҳатларини бериб келишмоқда.

Олий тоифали уролог Дмитрий Зеберг сўнгги пайтда эркакларда учрайётган турли хил касалліктерни, жумладан, жинсий йўл орқали юқадиган хасталиклар – хламидиоз, трихомоноз, гарднереллез уераплазма ва вирусли касалліктерни замонавий клиник, биохимик, иммунология анализлар, УЗИ текшируви орқали қўйилган аниқ ташхисдан сўнг лазер-терапия, физиотерапия ва бошқа усуллар билан даволайди. Даволашда Москва, Санкт-Петербург шаҳарларидағи етук урологик марказлардан синовдан ўтган замонавий усуллар кўлланилмоқда.

Хозиргача клиникада даволанганди ўнлаб фарзандталаб оиласлар фарзандли бўлиши.

Клиникада фаолият кўрсатаетган невропатолог врач Наталя Ким хорижда малака ошириб келди. Хозир асаб тизими касалліктерни ўзига хос ноањанавий усулда даволаб келмоқда.

Лор шифокори ангине, тонзиллит, отит ва бошқа касалліктерни даволаб, уларнинг олдини олиш тўғрисида ўз кўрсатмаларини бериб келяпти.

Поликлиникадаги дерматолог ва косметолог врачлар теридаги ҳар хил касалліктер, додлар, чаңдиклар ва ўсмаларни, юз парвариши, юзни нафислаштириш учун келган беморларни самарали усулларда даволамоқда.

"Равнақмед"да ЭКГ, УЗИ, экспресс лаборатория ҳам мавжуд бўлиб, у ерда 100дан ортик усулда клиник ва биохимик анализлар аниқла-нади.

**"Равнақмед" клиникаси телефони: 395-66-99.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Олмазор" массиви, 14-йи.**

Мўлжал: "Халқар Дўстлиги" метросидан "Бешёғоч" даҳа-си томон юрилади.

Sport

FUTBOL



"ПАХТАКОР" ВА "МАШЪАЛ": ОЧЛДАГИ ЮРИШ ТҮХТАДИ

Осиё Чемпионлар лигасининг гурух босқичига якун ясалди. Унда иштирок эттаётган "Пахтакор" ва "Машъал" жамоалари шу ерда баҳснин түхтатишига мажбур бўлишиди.

Кувайтнинг "Ал-Кодисия" жамоаси билан баҳсда гурух босқичидан чиқиши учун "Пахтакор"ни фақат галаба қонтириради. Бу галабанинг аҳамияти нафасат ОЧЛда баҳсни давом эттириш, балки 50 йиллик тўйига муносиб совға тайёрлаши учун ҳам зарур эди.

"Пахтакор" ўйинни хужумкор суръатда бошлаган бўлса-да, хисобни биринчи бўлиб меҳмонлар очишиди. Учрашувнинг еттичини дакиқасида ўз дарвозасидан тўп олиб чиқкан вакилларимиз қўйин ахвогла тушиб қолишиди. Дуранг ҳам қонтирирадиган "Ал-Кодисия" футболчилари вазиятдан фойдаланиб, вақтни чўзиш ўйлига ўтиб олишиди. Бирок орадан кўп вақт ўтмай Ринат Байрамов хисобини тенглаштириди.

Ўйин икки томоннинг кетма-кет хужумлари билан давом этди. "Пахтакор" химоясида содир бўлган бир неча кўпюл холатларга қарамай, биринчи бўлимда меҳмонлар иккичи тўпни кирила олишимади. Бирок "Ал-Кодисия" жамоаси иккичи бўлимда барбири ўз маҳсадига ёришиди. Тезкорлик билан ушотирилган қарши хужум гол билан якунланди. Шундан сўнг муҳлислар ўзбекистон ва Кувайт терми жамоалари ўтасидаги учрашув сценарииси тақрорланади, деган умидда ўйинни кузатишиди. Майдонга ўша ўйин қархонами Анвар Солиев ҳам туширилди. Анвар хисобини тенглаштириди, бирок галаба тўпни киритиш учун вақт ўтиб бўлганди. Шундай килиб, гурхуда биринчи ўринни кўлга киритган "Ал-Кодисия" кейинги босқичга йўл олди.

"Пахтакор" – "Ал-Кодисия" – 2:2

Голлар: Ринат Байрамов, 12; Анвар Солиев, 90+1; Ҳусайн Али, 7; Ҳалаф Салама, 58.

"Машъал"нинг тақдирни ўтган турдаёдик деярли ҳал бўлиб ултурганди. Гурух аутсайдери билан ўз майдонидаги дуранг кайд ётганнан кейин муборакликтарнинг кейинги босқичга чиқиш имконияти деярли йўкка чиққанди. Сабаби – сўнгига турда гурух пешкадами – "Ал-айн" билан сафарда баҳс юришини лозим эди. "Машъал" Бирлашган Араб Амирликларига янги боз мураббий билан ташриф буюргди. Ўтган турдаги мувфақиятсизлик, чемпионатнимиздаги самараси ўйинлар клуб раҳбариятини қонтиримади ва Виктор Жалилов истеъфога чиқарилди. Унинг ўрнига россиялик мутахассис Виктор Кумиков жамоага тақлиф этилди.

Ўйинда Зафар Холмуродов зарбасидан сўнг "Машъал" хисобда олдинга чиқиб олди. Шундан сўнг устусликни кўлга олган мезонблор хужумга зўр беришиди ва биринчи бўлимингн ўзидаётк икки тўп киритишиб, вазиятни бутунлай ўзgartаришига мувваф-фак бўлиши.

Иккичи бўлимда хисоб ўзгармай қолди ва "Ал-айн" ОЧЛдаги юришини давом эттирадиган бўлди.

"Ал-айн" – "Машъал" – 2:1

Голлар: Ненад Йестрович, 35; 45 – Зафар Холмуродов, 23.

"БАРСА" – ЧЕМПИОН!

Парижда ўтган Чемпионлар лигасининг эллик биринчи финалида "Барселона" "Арсенал" устидан галаба қозониб, кубок эгасига айланди.



Бунга қадар Франция пойтактида тўрт маротаба финал ўйини бўлиб ўтган, уларнинг ҳар бирда ёки испан, ёки инглиз клуби иштирок этганди. Бу йилги финал ўйини анча шов-шувлар билан бошланди. Аввалига "Сен-Дени" стадиони қарорхига номаълум шахслар бостириб киришиб, учрашуга кириш учун чипта талаб қилишиди. Шу орада баҳсни бошқариши белгиланган лайсмен (канот ҳакамийнинг "Барса" либосида тушган сурлатлари матбуотда ёзлон килинди. Шунда уринишларига қарамай, тартиббузлар чиптага эга бўла олмаган бўлса, норвегиялик лайсмен дархол бошча ҳакамга алмаштирилди...

Иккала жамоанинг бош мураббийлари – Франк Райкард ишам, Арсен Венгер ҳам ўз жамоаларини энг оптимал таркибда майдонга тушириди. Ўйинда "Барселона"нинг устуслиги таҳмин қилинаётганди, бирок учрашув бошларидан "Арсенал" хавфли вазиятларни кўпроқ юзага келтириди. Виктор Валдес икки бор Анрининг кучли зарбасини бартараф этди.

Навбат "Барселона"га келди. Это'О "Арсенал" дарвозабони билан яккама-якка чиқди ва Леманн хужумчими жарима майдонни чизиги устида кўполовик билан тўхтатиб қолди. Бирок Это'Одан узоқлашган тўп Жюлига бориб тушди. Франциялик футболчи бўш давразони осонник билан ишғол килди. Ҳакамнинг хуштаги янгради. Голми? Пеналтими? Четлатиши? Учрашув бош ҳаками Тере Хауге сўнгига қарорни танлади: Чемпионлар лигасида сўнгига ўнда тўп ўтиб юбормаган Леманни майдондан четлатди ва жарима тўпи белгилади. Роналдинонинг амалга оширган жарима тўпи дарвоза тўсимиёндан ёндан ўтиб кетди. "Арсенал" бир киши кам бўлиб ҳаракат қилган бўлса-да, биринчи бўлиб тўп киритиди.

Иккичи бўлим охирларига келиб "Барселона"нинг хужумлари шуддатли кўриниш ола бошлади. Ушбу хужумлардан икки бор унумли фойдаланган каталонияликлар бўйлиги мусобақада ҳаммадан кучли эканликларини исботлашди.

Барселона - Арсенал - 2:1

Голлар: Это'О, 76; Беллetti, 80 - Кэмпбелл, 37.
Огоҳлантиришлар: Олегер, 68; Ларсон, 90+3; Эбуз, 23; Ари, 50.

Четлатиши: Леманн, 20.

Ҳакам: Хауге (Норвегия).

Париж. «Стад де Франс» стадиони. 2006 йил 17 май.

ЧУЧУКМИЯНИНГ ХОСИЯТИ

Чучукмияни Марказий Осиёнинг аксарият жойларида учратиш мумкин. У ариқ ва дарё бўйларида, тўқайзорларда, кумли тофқияларида ҳамда экинзорларда ўсади.

Чучукмияни – қизилмия, ширилмия деб ҳам атасади. Русчада "солодка", "лакричин", "лакрица" номи билан юритилади. "Солодка" сўзи грекчадан келиб чиқсан бўлиб, грек шифокори Диоскорид уни глицириза ("ширил илдиз") деб атаган. Хитойчада уни "хунгир ганцао", яъни "ширил ўт" деб номлашади.

Гиёхнинг 17 тури бор. Баъзи турлари Шаркий Осиё, Австралия ва Америкада учрайди. МДХда 7ta тури мавжуд. Табобатда асосан чучукмиянинг илдизи ишлатилади. Гиёх илдизи таркиби турли хил моддаларга бой. Флавонолар, стериодлар, гликозидлар, глицерин ва ликвиризозил каби моддалар гиёхнинг бебаҳо омили ҳисоблашади ва шулар туфайли у шифобахшидир.

Халқ табобатида гиёх илдизи юқори нафас ўйлари шамоллашида (пневмония, ларингит, сурункали бронхит), ўйталда, ўтириш ва сурункали гастритлар, яра, сурункали холециститда, заҳарланганда, бронхиал астма (нафас кисиши), экземада ҳамда пешоб ҳайдовчи дори сифатида тавсия этилган. Бу ўсимлик хусусида Абу Али ибн Сино шундай ёзган: "... Унинг шираси, шунингдек, илдизи мілкка кўйилади. Мумли суртма билан кўшиб, оловда куйянга кўйилади. Шираси эса жархатларга ишлатилади. Ўпка найин юмшатди ва тозалайди, томоқса фойда килади ҳамда овонзи тозалайди... Чанқонки босади. Эски иситмаларга фойда килади..."

Кадимги хитойлик шифокорлар чучукмияни гўзларлик ва ёшлини сакловчи "ҳаёт илдизи" – женшанден кейинги иккинчи дори деб ҳисоблашган.

Тибет табобатида бу гиёх ўпка шамоллашида, сил, меъда, жигар, бўйрак, камонлик, юкумли хасталикларда, илон чақиб олганда, кутурган ит қопганди ишлатилган. Хиндистонлик шифокорлар гиёхни нафас кисишида, ёнгил сурги ва пешоб ҳайдовчи сифатида, кўз хасталикларида тавсия этилганлар. Баргидан тайёрланган бўтқа оёқ терлашига қарши кўлланилган.

Замонавий табобатда ушбу гиёҳдан тайёрланган дори воситалари балғам кўчирувчи ва пешоб ҳайдовчи омили сифатида тавсия этилади. Ундан кайнатма тайёрлаш учун 50 грамм илдизга 500 миллиграмм қайнон сув кўшилади ва паст оловда 30 дакика қайнатилади, докада сузид олинади. Тайёр бўлган қайнатмадан кунига 1 ошқошик-да 4 маҳал ичилади.

tlxabar@mail.uz

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш
агентлиги

ТАҲРИР ҲАЙТАТИ:
Иззат АХМЕДОВ
(Бош мухаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИЛХУҶАЕВ
Миродил САНТИЛОВ
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асаджон ҲЎЖАЕВ
Рустам КОСИМОВ
Содикон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига
042 рақами билан рўйхатта олинган.

Жамоатчи мубиқараримиз: Алижонода Бўхорода Гулустонда Жиззахда Навоийда Наманганда Нукусда Самарқандда Термизда Тошкентда Урганчда Фарғонада Каршида

Таҳрирятта келган қўлэма ва суратлар эгаларига қўйтирилмайди.
Муаллифларинг фикрлари таҳрирят фикрдан фарqlаниши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганини кўрсатиш
иши шарт.

Тижорий материал – 1.

Реклама матнларининг тўртилигига таҳрирят жавоблар эмас.
Рақам ва далилларнинг ҳадсонийларига учун макола мусалла мосаладир.
Газетани тайёрланада Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Маизилимиз: 700060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-йй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Газета таҳрирят компютер базасида терилид ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-йй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.
Саҳифаловчি: А.БУРГЕВ.
Мати терурчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Босинча топширилди – 20.00. Босинча топширилши вақти – 20.00.

754-G соили буортма.
Оғсет усулида
босилди.
Коғоз бичими А-3,
ҳажми 4 босма табоб.
Алади: 8502 нусха.

18-MAY — XALQARO MUZEYLAR KUNI

Ўрта Осиё халқлари қадимдан Урарту, Миср, Бобил, Гречия, Рим каби Яқин Шарқ ва Фарб давлатлари билан иктисадий ҳамда маданий алоқалар ўрнатганлар.
Ўрта Осиё заминидан ўтган машхур "Буюк ипак йўли" Шарқий Осиё ва Хиндистонни Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан боғлар эди.

Бундай жозибали ўлка доимо чёт эл истиочиларининг диккат марказида бўлган. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг тарихи кисмати жуда оғир кеҳди: босқинчилик урушлари, ҳукмрон доираларининг ўзаро ички зиддиятлар туфайли тўс-тўполонлар ҳам тез-тез юз бериб турган.

Доимиий киргиллар туфайли бетакор мухташам саройлар, гўзал шахарлар, ноёб иншотлар вайронага айланар, ийигилган бебаҳо маданий бойликларни босқинчилар талон-торож киради.

Муаррих Муҳаммад Наршайхининг гувоҳлик беришича, араблар Пойқанд жангларидан хисобсиз тиљо, кумуш буюмлар, курол-аслахалар, қимматбахо кийим-кечакларден иборат катта ўлка билан кайтганлар.

Ўрта Осиёда мустақил Сомонийлар давлатининг (IX-X асрлар) ташкил тоглиши билан туб ўзгаришилар юз берди. Жумладан, сарой иншоотларини куришдан ташкярати, катта кутубхоналар, архивлар барпо этила бошланди. Айниска, Туронзиминда Амир Темур томонидан ягона марказлашган давлат тузилиши ва Самарқанднинг пойтакт қилиб танланishi катта бойликларнинг тўпланишига сабаб бўлди. Шахарларда меморий ёдгорликлар, мақбараалар, масжид-мадрасалар, саройлар курилди.

Амир Темур забт этган мамлакатлардан қадимий кўлъёзмалар, хон, амирларга тегишли ёзишима ва эчлилик хужжатлари, мусулмон дунёсининг мукаддас икитоби бўлмиш "Усмон Куръони" (асл нусхаси) Самарқандга келтирилди. Дунёга машхур Темур кутубхонаси барпо этилди. Темурнинг севкливи набириши, Шарқнинг буюк астрономон олими Мирзо Улубек ушбу кутубхонани янада бойитди.

Темурлар даврида тасвирий, амалий ва мөъморчилик санъатларидан улкан ютукларида эришилди. Саройлар, мадрасалар ва бошқа биноларни нафис суратлар, нақшлар билан безаш тарақкӣ эти. Бибиконим масжиди, Гўри Амир, Шохи Зинда, Оқсанор, Улуғбек курдиргандан мадрасалар кўринишидан Шарқ мөъморчилигининг шоҳ асарлари

Музейлар — мозийдан садо беради



рига хос акл-заковат ва маҳорат намоён бўлган.

Темурлар сулоласига мансуб ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни гўзал бинолар, масжид, мадрасалар билан обод эти, шевьрият мулкининг сultonни Алишер Навоий билан бирга шахарни шоир ва фоизиллар масканига айлантиргди.

Шарқшунос олим А.Якубовскийнинг ёзишича, Алишер Навоийнинг жуда коттар, нодир кўлъёзмаларга бой шахсий кутубхонаси бўлган. Бу кутубхонадан Ҳондамир, Бехзод ва бошқа олиму фозиллар фойдаланганлар.

Бухоро ҳамда Ҳива хонликларида хон нодир кўлъёзмалар, миниатюралар коллекциясини тўплаб, сарой ва шахсий кутубхоналар барпо этиши одат бўлган.

Ҳива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз таҳаллusi билан икод килган ҳукмдор) кутубхона бунёд этиб, уни дунёнинг ҳар чеккасинан келтирилган нодир кўлъёзмалар билан бойиттиб борди. У Ўрта Осиёда биринч бўлуб Ҳивада ли-тография ташкил қилиб, ношилик санъатини рivoхлантиргди.

XIX асрда Ҳива хонлиги китоб хазиналари илида дунёга машхур

эди. Бу ёрда араб, форс-тоҷик тилларида кўлъёзмалар ўзбек тилига тархима қилинган.

Қўқон хонлигига ҳам бой кутубхоналар мавжуд бўйли, улар нодир кўлъёзмаларга эга эди. Бу даврда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари: Фарғона, Бухоро, Қўқон, Тошкент ва бошқа жойлардаги китоб ихломандлари жуда катта

рон мақбарасига кўйилган олтин сопли қилин ва қалқонларни, Куръони Каримни олиб кетади. Аммо йўлда синиб қолгани учун нефрит тошини тезлиқда жойига кайтаради.

Рус империяси ҳам маънавият дурдоналарини ўзлаштириш борасида алоҳида, кенг кўлъёзмаларни изланниш ишларни олиб борди.

коллекцияларни бирлаштириш ва уларни Петербуррга жўнатиш учун саралаш маркази лозим бўлиб қолди. Бунинг учун энг кулаи марказ музей хисобланни, ўлгада музей ташкил этиши масаласи кўтарилади. Жумладан, А.Федченко Туркистон генерал-губернаторига тайёрлаган ахборотда "Туркистонни мувоффакияти рivoхланти-

риш учун бу мамлакат билан асосида равишда танишиб чиқиш кеरак, музейлар эса бунда энг яхши воситаларидир", деб ёзган эди.

Шундай қилиб, А.Федченко, И.Мушкиетов, В.Ошанин, В.Бартолд ва бошқалар Туркистонда музейлар курилишинг ташабbusкорлари бўлди. 1876 йили биринчи бўлиб Тошкент музейи (ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейи) очилди. Шу пайдатдан ёзилганда, Ўрта Осиёда боз музейнинг мавжудлиги расман тан олини. 1896 йили Самарқандда, 1898 йили Етисувда, 1899 йили Фарғона ва Каспийорти (Ашхобод)да ўлка музейларни барпо этилди.

Музейларда ҳар хил аралашкуралаш экспонатлар бўлуб, этнография, табиият, тарих, археология, науманалири, нумизматик экспонатлар, аёллар тақинчопари, тумор каби турли-туман машиший бўломларга чиқилади. Ўзбекистон тарихи давлат музейларига таркиби.

"Кўрсатма" да ёдгорликлар қозононлардан, масжид-мадраса ва хонадонлардан ийғиб олинини кўрсатилган. Бу ерларда Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий ва бошқа даҳоларнинг кўлъёзмалар бўлиши мумкинлиги айланна борди. Уларга алоҳида ёзилганда шартли таъзииданди. Ёзилган кўлъёзма изори оғизларни таъзииданди. Ўзбекистон тарихи давлат музейларига таркиби.

Шундай бўлса-да, XIX асрда

Туркистон ўлқасида дастлабки музейларнинг юзага келишини — ўлка маданиятининг рivoхига кўшилган хисса, деб биламиз. Мажаллий аҳоли орасидан чиқкан ёзиллар музей экспозициялари билан танишиб, ўлка табиати, ероғи ва ер усти бойликларидан науманалири кўриб, шу тарика ҳақида бахолай билишади.

Шундай бўлса-да, XIX асрда

Туркистон ўлқасида дастлабки музейларнинг юзага келишини — ўлка маданиятининг рivoхига кўшилган хисса, деб биламиз. Мажаллий аҳоли орасидан чиқкан ёзиллар музей экспозициялари билан танишиб, ўлка табиати, ероғи ва ер усти бойликларидан науманалири кўриб, шу тарика ҳақида бахолай билишади.

Аюбжон Қосимов,
Ўзбекистон тарихи давлат музейининг илмий ходими

FILATELISTLAR BURCHAGI

1999 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

"Бадал қорачи" почта маркалари туркуми.
 1999 йил. 8 июн. Рассом В.ШУМИЛОВ.

Туркум уч довюрак ака-ука саргузаштари ҳақида ҳикоя килувчи "Бадал қорачи" ўзбек халқ эртаги бўйича тайёрланган. Бадал қорачи — кенж уканинг исми. Эртак асосида бахт ва ҳақиқат учун кураш мавзуси ётади.

Туркум еттига марка, битта купон, битта блокдан иборат.

Маркалар бир неча рангда ишланган. Ок силлик когозга оғсет усулida босилган. Маркалар ўлчами 30x42 мм. Блокдаги марка перфорацияси таросимон. Адади 20,0 минг нусхадан.

Кичик варак купонида ўзбек тилида қўйидаги сўзлар ёзилган: "Бадал қорачи" номи ўзбек халқ эртаги. 197-203 маркалар еттига марка ва битта купондан иборат кичик варак кўринишда босилган.

204. "Бадал қорачи" почта блоки.

Блок ўлчами 90x70 мм. Блокдаги марка ўлчами 42x30 мм. Адади 10,0 минг нусха.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбекистон почтаси" ОЛЖ Фарғона филиали Ровон почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ бошлигининг ўрнабосари Абдулмажит АБДУРАХМОНОВни тутгизган куни билан чин қалбдан муборакада ётади. Унга сийкат-саломатлик, узоқ умр, баҳм-саодат ва ишлариди мувоффакиятлар тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОЛЖ Самарқанд филиали Жума почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ бошлиги Эбодуло ЗИЯДУЛЛАЕВни тутгизган куни билан чин қалбдан табриклийди. Унга сийкат-саломатлик, оиласиги баҳт, келгуси ишлариди рivoхига тилаб қолади.

